



НОКИМИ

ҲОКИМИ

141100, Samarqand viloyati Nurobod tumani Nurobod shaxri, Mustaqillik ko'chasi 2-uy, Tel: /8-366/ 633-16-34, Fax: /8-366/ 231-98-81, E-mail: nurobod@samarkand.uz

QAROR

2013 йил «4» октябрь

№ 561-4

Ер участкаси ажратиш ва  
курулишга рухсат бериш  
тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси «Шаҳарсозлик кодекси»нинг 20-моддаси, «Ер кодекси»нинг 6, 26-моддалари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 25 февралдаги №54-сонли «Шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш ҳамда қишлоқ хўжалигига ид бўлмаган эҳтиёжлар учун ер участкалари бериш, шунингдек объектларни қуришга рухсатномалар бериш тартибини тубдан соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ҳамда 2011 йил 26 майдаги №146-сонли «Шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш ҳамда қишлоқ хўжалигига оид бўлмаган бошқа эҳтиёжлар учун ер участкалари бериш тартибини такомиллаштириш чора тадбирлари тўғрисида»ги қарорларини ижросини таъминлаш мақсадида 2013 йил 8 августдаги «Қишлоққурилишлойиха» МЧЖ бош лойиҳа-қидирув институтининг 2011 йил 11 апрелдаги № 123-сонли йиғилиш баёнини, вилоят табиатни муҳофаза қилиш кўмитасининг 2012 йил 31 июлдаги №843 сонли давлат экологик экспертизаси хулосасини, Нуробод тумани Аработа маҳалласи Тим қишлоғида яшовчи фуқаро Ўнгбоева Бўригул томонидан Тим ҚФЙ Аработа маҳалласи ҳудудидаги туман ҳокимлиги захирасида бўлган қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган ер мадонидан 0, 0050 гектарга савдо дўкони биносини қуриш учун рухсат бериб, ер майдони ажратиб беришни сўраб ёзган аризаси ҳамда туман ҳокимининг 2011 йил 18 августдаги №81-Ф сонли фармойишига асосан тузилган ер участкасини танлаш бўйича ишчи комиссиясининг 2013 йил 13 сентябрдаги далолатномаси ва тўпланган ер майдонини танлаш ва ажратиш тўғрисидаги ҳужжатларни кўриб чиқиб,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

1. Аработа маҳалласи Тим қишлоғида яшовчи фуқаро Ўнгбоева Бўригул томонидан Тим ҚФЙ Аработа маҳалласи ҳудудидаги туман ҳокимлиги захирасида бўлган қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган ер мадонидан 0, 0050 гектарга савдо дўкони биносини қуриш учун рухсат берилиб ер майдони ажратилсин.

2. Фуқаро Ўнгбоев Бўригулга қуйидаги вазифалар юклатилсин:

- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 25 февралдаги №54-сонли қарорида кўрсатилган муддат ва талаби асосида АРТ (архитектура режалаштириш топшириғи) ҳамда лойиҳа ҳужжатларини тайёрлаш.

- вилоят Давлат архитектура ва қурилиш назорат инспекциясидан қурилишни амалга оширишга рухсат олиб, қурилиш ишларини бир йил муддат ичида тугатиш:
- қурилган бино атрофида экологик ҳолатни сақлаш ҳамда ободончилик ишларини олиб бориш:
- тасдиқланган қурилиш лойиҳаси асосида қурилишни амалга ошириш:
- қурилиш ишлари тугаши билан бинони фойдаланишга рухсат бериш учун туман ҳокимлигига мурожаат қилиш:


3.Туман бош архитектору (А.Рахимов) фуқаро Ўнгбоев Бўригул томонидан тасдиқланган қурилиш лойиҳаси асосида қурилиш ишларини амалга оширилишини назорат қилиш топширилсин.

4.Ер участкасини натўрага кўчириш ишларини “Ўз ГАШКЛИТИ” ДУК нинг вилоятдаги ваколатхонаси билан биргаликда амалга ошириш туман архитектура ва қурилиш бўлими (А.Рахимов) ва туман “Ер ресурслари ва давлат кадастри” бўлими (Н.Куйлиев) лар зиммасига юклатилсин.

5.Фуқаро Ўнгбоев Бўригул томонидан бир йил муддат ичида тасдиқланган қурилиш лойиҳаси асосида қурилиш ишлари амалга оширилмаса, ушбу қарор ўз кучини йўқотди деб ҳисоблансин.

6.Мазкур қарорнинг тасдиғи ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи вилоят комиссиясидан сўралсин.

7.Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари З. Ниёзов зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими  Ж. Ибрагимов